

ЁШЛАРДАН ҚАРЗИМИЗ КЎП



Хотамжон КЕТМОНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Марказий Кенгаши
раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси спикери ўринбосари.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузасида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни қомил инсон этиб тарбиялаш масалалари қамраб олинмоқда. Хусусан, Мухтарам Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тақдир қилингани чуқур ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, яқинда Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТнинг навбатдаги саммитида Президент Шавкат Мирзиёев тақдир қилиб қўйган, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга қўшма муҳаббатини қабул қилингани ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумий-тироф этилган талабларига асосланади. Ўзбекистон бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Жорий йилнинг 4 июль кўни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раёсотида ўтказилган видеоселектор йиғилиши ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, замона-

вий билим ва кўникмага эга бўлишларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий фаоллигини юксалтириш, илгор ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланди. Йиғилишда бу борадаги камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Жумладан, кейинги бир йилда янги тизим ва ёндашувлар амалиётга жорий этилган бўлса-да, ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор қаратилмаётгани таъкидланди. Бунинг оқибатида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келиши, айниқса, мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этаётгани ачинарлидир. Ваҳоланки, мамлакатимизда ҳокимлар ва ИИБ бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинган.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган танқидий-тахлилий фикрларни юрагидан ўтказиб тинлаган ҳар бир виждон бор раҳбар уйғониши, ўз фаолиятини қайта таҳлил қилиб чиқиши ва виждонан ёндашиши талаб этилади.

Йиғилишдан сўнг партияимизда ёшлар йўналишида олиб бораётган фаолиятимизни таҳлил қилдик. Жудаям кўп саволлар бирма-бир кўз олдимиздан ўтди. Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисmini ташкил этадиган, ўзига хос ижтимоий-демографик хусусиятга эга қатлам — ёшларнинг бугунги кайфияти, қизиқишу интилишлари, маънавий-руҳий олами қандай? Улар учун ҳаётда нималар қадрият даражасига кўтарилган? Ўз навбатида, уларни нима ўйлантиради ва ташвишга солади? Ўзи бугун ёшлар нималар билан банд? Уларни кўпроқ нималар қизиқтиради? Нима учун ёшлар муаммоси давлат сиёсати даражасига олиб қилинмоқда?.. **Ушбу саволлар ҳаммамизни чуқур ўйлаб, ҳулосалар чиқаришга ундайди. Чунки бу саволларнинг тағида бугунги кундаги энг ўткир масала — ёшларнинг бандлиги ётибди. Улар бирор иш билан банд эмас экан, яъни ёшларнинг бандлиги рақамларда эмас, амалда таъминланмас экан, камчиликлар яна такрорланаверади.**

Ҳақиқатлар стратегиясида ҳам мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ўрта махсус ва олий ўқув юрти муассасаларининг битирувчилари бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида ҳам мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш устувор вазифа этиб белгиланган. Энди ўзимизга савол берайлик, ёшларнинг муаммоларига ечим топиш, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби вазифаларни қай даражада бажара олдик? Ёшларнинг орзу-истак ва ғояларини амалга оширишда қандай ташаббуслар билан чиқдик? Афсуски, ушбу саволларга умумий иш фаолиятимиздан жавоб топишга қийналамиз...

Агар ёшларнинг муаммоларини чуқур ўрганиб, уларнинг ёнида юрганимизда йиғилишда келтирилган рақамлар бу қадар катта ва ҳавотирли бўлмасди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш орқали жамиятда соғлом ва фаровон турмуш яратилади. Шу маънода, бандлик

Юқоридagi рақамларга эътибор берайлик, меҳнат ярмаркаларида қатнашган ёшларнинг атиги беш фоизи иш билан таъминланган. Ушбу рақамнинг ўзи ҳам минглаб ёшларимизнинг кўча-кўйда сарсон бўлиб, ишсиз юрганини исботлайди. Бекор қолган ёшларнинг фикри ўзгаради. Жиноят содир этишга мойиллиги кучаяди.

Йиғилишда ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, замонавий билим ва кўникмага эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг илгор ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **«Ёшлар — келажагимиз»** Давлат дастури қабул қилингани таъкидланди. Мазкур дастур ёшларимизга амалий ёрдам беришда катта ҳаётий аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши ҳис этиб турибмиз.

Дастурда ҳокимларга ёшлар орасидаги вазиятни чуқур таҳлил қилиш, уюшмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар билан ҳар ҳафта учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиш, ташаббус ва ғояла-

Энди ўзимизга савол берайлик, ёшларнинг муаммоларига ечим топиш, уларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби вазифаларни қай даражада бажара олдик? Ёшларнинг орзу-истак ва ғояларини амалга оширишда қандай ташаббуслар билан чиқдик? Афсуски, ушбу саволларга умумий иш фаолиятимиздан жавоб топишга қийналамиз...

соҳасидаги муаммолар самарали ҳал қилинмас экан, ёшлар ўртасида соғлом муҳит таъминланмайдиган. Афсуски, ҳалигача меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзак жойлаштурувчи рақамлар. Президентимиз йиғилишда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар борлигини танқид остига олиб, ўтган давр мобайнида 1 минг 700 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизига ишга жойлашгани, кейинги бир йилда 509 минг нафар ёшлар чет элларга чиқиб кетганини қайд этди.

рини қўллаб-қувватлаш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган.

Президентимиз ушбу долзарб масалалар ҳақида бош қотириш мамлакатимизда нафақат Ёшлар иттифоқи ёки ҳокимларнинг иши, балки бутун жамоатчилигимиз зиммасидаги вазифа эканини, бунинг учун бутун жамият уйғониши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шундай экан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ушбу ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ишларига барча куч ва имкониятларини сафарбар этади. Партиянинг ёшларга муҳаббатини ишлаб чиқиб, «Ёшлар — келажагимиз» дастурининг фаол ижрочилари қаторига қиради.

СЎЗ — МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИГА

ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛСА, КЎНГИЛ ҲАМ ОБОД БЎЛАДИ



Дилором АБДУРАҲИМОВА,
Наманган вилоят
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи
раҳбари.

Наманган вилоятида ҳам «Обод қишлоқ» дастури ижросини таъминлашга қизгин киришилди. Вилоят ҳудудидаги қишлоқлардаги маҳалла ва хонадонларга кириб бориш орқали аҳоли билан мулоқотлар ўтказилди. Ҳар бир тумандан иккитадан инфратузилмалари эскирган ва яроқсиз аҳолига келиб қолган жами 22 қишлоқ дастурга киритилди.

Жорий йилда Мингбулоқ туманининг Мулкобод ва Кичик Жомашўй, Косонсойнинг Ширинбулоқ ва Қорасув, Наманган туманининг Шамсикўл ва Шўркўрган, Нориннинг Қоратери ва Қўшкент, Попнинг Кенагас ва Гурумсарой, Тўрақўргоннинг Оқтош ва Гулистон, Уйчининг Мевазор ва Ҳўжаобод, Учқўргоннинг Гулистон ва Кўгай, Чортоқнинг Алихон ва Ободийёр, Чўстнинг Лайлақуя ва Шербулоқ, Янгиқўргон туманининг Бўстон ва Қизилёзи каби қишлоқлари обод қишлоққа айлантирилмайдиган бўлди.

Дастурга киритилган қишлоқларда ички ва хўжалик йўллари, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини таъмирлаш, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ишлари олиб борилади. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш, бозор инфратузилма объектларини қуриш ва бошқа бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу мақсадларга 127 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида вилоятда биринчи қилинган лойиҳа бугун янгилашни арафасида. Уйчи туманининг Мевазор маҳалласи бир вақтлар чиндан ҳам обод эди. 1000 нафардан зиёд киши истикомат қиладиган бу маҳаллада собиқ паррандачилик фабрикаси ишчилари учун 1980 йилларда қурилган 5 та икки қаватли уй мавжуд.

Ўтган давр мобайнида кўп қаватли уйларга коммунал хизматлар кўрсатиш тизими издан чиқди. Негакки, хонадонларнинг эгаси бор, уйлар эса ҳеч кимники эмас. Бино нураб-тўкилиб, машиий-коммунал, санитария тармоқлари йўқ бўлиб кетган. Бу ерда яшовчиларнинг қудалик турмуш шароити ниҳоятда оғир даражага етганди. Кўпчилик ўз ҳолича ҳовлига ҳожатхона, молхона ва бошқа ёрдамчи хўжалик иншоотлари қуриб олгани ҳам рост. Натижада жуда ҳушманзара ва антисанитария муҳити пайдо бўлганди. Энг ёмони, ҳудудда яшовчилар шунга ўрганиб қолаётганди. Дастур асосида амалга оширилган ишлар натижасида бугун маҳалла бутунлай янгича қиёфа касб этди. Машиий шарт-шароитлар яхшиланди. Бу, албатта, маҳалла аҳли онг-тафаккурига ҳам ижобий таъсир қилишига шубҳа йўқ.

Бугунгача кўп қаватли уйларнинг томи шиферлашиб, кириш эшиклари алмаштирилди. Ҳудудда ичимлик суви тармоғи тортидди. Ҳовли атрофи девор билан ўралди. Маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳовлида тандирхона ва бошқа умумфойдаланиш учун машиий-хўжалик қурилмалари барпо этилди. Уйлар ўртасидаги майдонларга 200 тупдан зиёд манзарали ва мевали кўчат, турли гуллар экилиб, боғ ва гулзорлар ташкил қилинди. Айни пайтда биноларнинг фасад қисмида пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Президентимизнинг вилоятимизга таширларидан сўнг лойиҳа кўлами янада кенгайди. Умумий ишлар ҳажми 7 миллиард сўмдан зиёд бўлиши кўзда тутилмоқда. Ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби, 39-мактабгача таълим муассасаси тубдан таъмирланади. Канализация тармоғи тортилади, тўрт километрдан кўпроқ йўлга асфальт босилади. Шу мақсадда бугун биргиле қурилиш-ободонлаштириш ишларида 100 нафардан ортиқ киши ишламоқда.

Шундай объектлардан яна бири — Тўрақўргон туманидаги «Оқтош» қишлоғининг «Оқтош» маҳалласидир. Маҳаллада дастур асосида яқиндагина бошланган бунёдкорлик ишлари кун сайин юқори суръат касб этмоқда. «Обод қишлоқ» дастурига мувофиқ Оқтошда ҳам ишлар эътиборга муҳтож уйларни таъмирлашдан бошланди. Кўп қаватли уйларнинг томи ва фасадини реконструкция қилиш, канализация тармоғи тортиш, ёрдамчи машиий-хўжалик бинолари ва бинолар майдончаси қуриш, ҳовли атрофини 6,2 километрдан зиёд девор билан ихоталаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, маҳалладаги Бобур, Осойишта, Навоий кўчаларидаги 549 ҳовли-хонадонда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Айни пайтда ушбу объектда 4000 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Дастур бўйича қишлоқда 250 ўринли боғча қуриб берилиши оқшолиқларнинг қонунгача қувонч қўшгани МФЙ раиси Валижон Сатторовдан эшитиб, уни таъриқлади. Чунки бугун ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси энг долзарб масалалар.

Дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, биз, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам тарғибот ишлари олиб бормоқдамиз. Қишлоқларнинг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этишдан мақсад — аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш ва айни вақтда дунёқарашини кенгайтириш. Бу хайрли ишлар қишлоқ кишилари бокимандалик кайфиятидан чиқариши зарур. **Бизга кимдир келиб қилиб беради, давлатимиз ижтимоий ёрдамини аямайди, деб қараб турш ярамайди. Энди ҳар биримиз тараққиётга дахлдорлик ва масъулият ҳисси билан яшашимиз, яратувчанликни касб этишимиз лозим, деб ўйлайман.**

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ: 10 ЙИЛ АВВАЛ ТЎХТАБ ҚОЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Масалан, донор бўлган одам ва жонсиз танадаги донор аъзоси ўртасида катта фарқ бор. Ҳар бир орган ўзига хос шароитда сақланади, кўчирилади. Донор ва беморнинг ўзаро муносибати, қанчалар соғлом ва яроқлилиги эса энг муҳим жиҳатлардир. Шунинг учун лойиҳада бир-бирини инкор этувчи меъёрлар қайта кўриб чиқирилиши лозим. Вафот этган шахснинг тана аъзоларини кўчириб ўтказиш учун қўйиладиган талаблар аниқ белгиланиши керак.

18 ёшга тўлмаганларнинг донорлик қилиши билан боғлиқ масала янада оидинлик қилиниши шарт. Масалан, ота-онаси касал бўлган бола уларнинг соғайиб кетиши учун жонига қасд қилиши ёки ўзига хос таътилни таъминлаш учун қўйиладиган талаблар аниқ белгиланиши керак.

Лойиҳада умумий гаплар кўп. Баъзи ҳолларда илмий текширув ва ўрганишлар мақсадида тана аъзоларига эҳтиёж сезилади. Илм-фан ривожланар экан, бу масала ҳам қонунчиликда акс этиши керак. Жасадаги қайси органлардан донор сифатида фойдаланиш мумкинлиги ва унинг тартиб-қоидалари яхши очиб берилмаган. Барчага тушунарли бўлиши учун бу масалалар кенгрок ёритилиши керак, деб ўйлайман.

— Бу қонун лойиҳасини халқимиз узок муддатдан бери кутаяётган эди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев.** — Чунки қўйилган беморлар ва уларнинг яқинлари бор-будини сарфлаб, хорижда операция қил-

диришга мажбур бўлаётганди. Лекин масаланинг яна бошқа жиҳатлари ҳам борки, мулоҳаза қилишга ундайди. Аввало, қонуннинг қабул қилиниши натижасида шифо топадиган беморлар сони мана шу амалиётга муҳтож аҳолининг неча фоизини ташкил қилади? Одамларни рози қилиш учун масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Юртимиз тиббиёти мазкур қонун талабларига қай даражада жавоб бериши ҳақида ҳам чуқур ўйлаб кўриш лозим.

Вилоятлар микёсида ҳам трансплантация меъёрларига жавоб берадиган шифохоналар ташкил этилиши керак, деб ўйлайман. Фақатгина пойтахтдаги санокли касалхоналарда амалиёт йўлга қўйилган билан муаммо ҳал бўлмайди. Яна бир муҳим масала. **Тиббиётда экспертиза, деган тушунча бор. Ушбу жараён тиббиёт ходимлари томонидан доимо ёпиқ ҳолда, ҳеч қандай яқин қариндошлар иштирокисиз ўтказилади. Қонун кучига киргач, тиббиёт ходимлари инсон органларини сотиш билан шугулланмайди, деб ҳеч ким қаролат бера олмайди. Чунки гувоҳларсиз ёриб кўрилган жасадининг ҳамма органи жойиданмайди, йўқми ҳеч ким билмайди. Ушбу масала ҳалигача ечимсиз қолмоқда.** Демак, бу қонун тартибга солиниши керак.

Эҳтиёжманд аҳоли вакиллари бўлган беморлар учун ажратилган маблағ ёки ёрдамни амалга ошириш тартиби лойиҳада кўрсатилиши зарур. Ижтимоий ҳимоя механизмлари ҳам ишлаб чиқирилиши, адолат мезонларининг бузилишига йўл қўй-

маслик керак. Акс ҳолда, одамлар орасида норозиликлар юзга келади. Қонун лойиҳасини барчага бир хил манфаатли бўлган меъёрлар билан такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблайман.

Муҳими, беморларга қўйиладиган шартлар, сунъий тўсиқларга барҳам берилиши лозим. Ўтган йили яқин қариндошлар орасида бўйрак ва (ёки) жигар бўлагини трансплантация қилиш тартиби ҳақида ҳукуматнинг вақтинча низоми тасдиқланган эди. Шунга қарамай, бу жараён амалга ошириш жуда ҳам мураккаблик туғдирмоқда. Бу ҳақда аҳоли вакиллари билан суҳбатлашганимизда қатор мисолларни айтиб беришди. Ҳулоса қилиб айтганда, тақдир этилаётган қонун лойиҳаси киминдир бойитиш учун эмас, халқ манфаатига хизмат қилишининг тарафдоримиз.

— Жуда ҳам долзарб масала қўйилди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев.** — Лойиҳа билан тўлиқ танишиб чиқдим. Унда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бирор сўз айтилмаган. Агар ушбу масала қонунга киритилмас экан, у ҳамма учун бирдек ишламайди. **Оддийгина мисол, кам таъминланган оилалар даволаниш учун ордер ололмай юради. Бу ерда эса орган кўчириш ҳақида гап кетмоқда. Шунинг учун мазкур масалага жиддий эътибор қаратилиши талаб этилади.**

Қонун кимга ишлайди, деган саволга жавоб аниқ ифода этилиши керак. Тўғриси, тушунтириш хатини ўқиган одам эртанга тушиб қолгандек бўлади. Гўёки ушбу қонун қабул қилинса,



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

ҳамма беморнинг юраги алмаштириб юборилиб, ҳамма соғлом бўлиб қолади, деган ҳулосага келиш мумкин. Айни пайтда юртимизда йўқ бўлган амалиётга қўл урилган экан, уни шошилиб эмас, пухта ва атрофлича ўрганиб, кейин қонун ишлаб чиқишимиз лозим.

Ноғирлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалардаги беморларга донорлик масаласи очик қолиб кетиши ҳам тўғри эмас. Кузатишларимиздан аёниқ, тиркичиликка, болаларини боқиб қийналиб турган одам ҳамма нарсага тайёр бўлади. Эртага у ўз аъзоларини сотишдан ҳам тоймайди. Шунга ўхшаш ҳолатлар рўй бермаслиги учун тана аъзоларини сотиш қонунан тақиқланиши керак, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, қонун лойиҳасида бошқа камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, фалон касаллик билан оғриган бемор ёки мурда деган жумлалар ҳам бор. Инсон оғриши мумкин, лекин мурда оғриймайди-ку. Шу каби энг оддий жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаслиги қонуннинг мукамаллигига хизмат қилади.

Айтиш керакки, трансплантация ўзига хос талабларга эга мураккаб жараён ҳисобланади. Ваҳоланки, бизда ҳали биопсия, аутопсия масалаларида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бис-емас. Шу жиҳатдан жуда катта ишга қўл урилган. Лекин қонуннинг натижалари, оқибатлари ҳақида бош қотириш талаб этилади. Коррупциянинг олдини олиш масаласи ҳам устувор санолади. **Қонун лойиҳасида чалкашлиқлар, тушунарсиз ва ўзгартириш зарур бўлган жумлалар борлиги, айрим масалалар тўлиқ очиб берилмагани боис унинг маъқуланишига бетарафман.**

Давомли ва қизгин муҳокама-лардан сўнг қонун лойиҳаси кўпчилиги овоз билан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Трансплантация жуда нозик ва мураккаб масала. Қонун лойиҳасининг дастлабки муҳокамасида билдирилган фикр-мулоҳазалар шунинг кўрсатиби турибди. Лойиҳанинг кейинги тақдирини нима бўлади? Кузатишда давом этамиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЯШАШ УЧУН ЯШАМАЁТГАН ОДАМ

Қаҳрамон бўлиш учун атайин қаҳрамонлик кўрсатиш шарт эмас. Ораимизда шундай оддий одамлар борки, уларнинг фаолиги, фидойилигини қаҳрамонликка менгаш мумкин. Фақат ўзи учун эмас, ўзгалар учун ҳам куйиб-пишадиган, тиниб-тинчимайдиган ҳимматли, жонқуяр инсонлар қанча кўп бўлса, ҳаёт янада фаровон бўлади.

Бу 9 қаватли уй олдида деярли ҳар кун эрталаб ва кеч курун атай ўтаман. Мақсад — кўзни қувонтирадиган, кўнгилни яйратадиган даражадаги гўзал манзарани завқланиш.

Турфа ранг гуллар... Ҳар хил ҳажмдаги турли-туман тошлар... Ям-яшил майса, чиройли чечаклар, хилма-хил ўсимликлар... Ховузчалар, ҳайкалча-лар... Дид билан шакл берилган арчалар, ажиб манзарали майда дарахлар... Хуллас, бу гўзаллиқни сўз билан таърифлаш, тасвирлаш анчайин қийин, томоша қилиш эса ҳам осон, ҳам мароқли.

Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги «Иқбол» маҳалласи, 12-уй... Худди шу манзилда гуллар ва гўзаллик, назокат ва нафосат шайдоси Аҳмадҷон Сайфулов истиқомат қилади.

Тўрт фарзанднинг отаси, етти набаиранинг бобоси бўлмиш 63 ёшли Аҳмадҷон ака билан танишиб, гурунглашишни кўндал кўнгилга туғиб юрдим. Тунов кўни у кишини гулзорни парваришлайётганда учратиб қолдим ва ўзимни таништириб, суҳбатга тортдим.

— Аҳмадҷон ака, кўриниб турибди, анча тажрибали гулчи-боғбон экансиз...

— Йўқ, мен боғбон эмасман.

— Йўқ-э?

— Ҳайдовчиман. Пенсияга чиққунга қадар ёнги машинадан тортиб, «Зил», «Камаз», «Маз»гача ҳайдаганман.

— Ҳайдовчининг мана бу манзарани яратиши, ахир, бунинг ўзи бўлмайди-ку?!

— Бу энди қизиқиш, меҳнат ва меҳр меваси. Ўн йилдан



ошди, боғ, гулзор, ландшафт яратишга қизиқиб қолдим. Кичик ва журналлардан, интернетдан фойдаланиб, кўп нарсани ўргандим.

— Малака, тажриба, кўнка-ма-чи? Қолаверса, устоз-шогирд, деган гаплар ҳам бор.

— Агар астойдил ўз устин-

ғизда ишласангиз, ҳамма нарсани ўрганса бўларкан. Боя айтдим, ўн йилдан буён экзотик манзара яратишга қизиқаман. Амалий ишни бошлаганимга эса беш-олти йил бўлди. Бир дўстимнинг таниши ҳам ландшафт билан шуғулланади. Ундан тушунмаган, билмаганларимни сўраганман.

— Сир бўлмаса, айтинг-чи, айнан нималарни ўргандингиз ўша инсондан?

— Жой, тупроқ танлашни, ўсимлик ва кўчатларни қачон, қайси пайт ва қай тарзда экишни.

— Аҳмадҷон ака, шу уйнинг ён ва олд томонини яшнатиб



дек ўйламайди, ҳамма ҳам сизчалик ҳаракат қилмайди-да. Агар ҳар биримиз ўз уйимизни Ватан билиб, ободонлаштиришга киришсак борми, эҳ-ҳа, қанчалар улуг иш бўларди! Афсуски, юқори қаватлардан у-бу нарсани пастга иргитадиган, махсус жойга боришга эриниб, чиқиндини йўлакка, кўчага, ариққа ташлаб кетадиганлар ҳам кўп.

— Мен баъзи одамларни кабутарга ўхшатаман. Уларнинг кўриниши, кийиниши чиройли, яшаш тарзи эса... Кабутар чиройли кўш, аммо яшаши... Шу гулзорга ҳам тепадан нос туф-лайдиган, сигарета қолдиғи ёки бошқа майда-чуйда нарсалар отадиганлар бор. «Илтимос, ташламанглар, тупурманглар», деб қайта-қайта айтиб чиқдим. Кимлардир мени тушунди, кимгадир гапим умуман таъсир қилмади.

— Ландшафтни яратишга киришганингизда «Сенга нима зарил, кўй бу ишинг» деганлар ҳам бўлганми?

— Ҳа. «Ортиқча ҳаражат қилиб, бошингни оғритиб нима қилсан, барбир кўкартира олмайсан, ўсмайди» дейишди. Гап-сўзи майли-ю, лекин ўша

«доно»ларнинг ҳеч бири ақал-ли бир челақ тупроқ ҳам таш-ишмади.

— Айтганча, ҳаражат ҳа-ққда. Ландшафт сизга қанчага тушган? Биргина сўғориш ти-зимини йўлга қўйишнинг ўзи бўлмагандир?

— Тошдан бошқа ҳамма нарсани сотиб олганман. Сарф қилинган суммани эса айтолмай-ман, чунки бу ишларни фойда олиш мақсадида қилганим йўқ. Сўғориш тизими учун ертўладан қувур торганман. Бу борадаги амалий ёрдами учун «Иқбол» маҳалласи хусусий уй-жой мулк-дорлари ширкати раиси Люд-мила Уваровадан миннатдорман.

— Эшитишимча, йўлакни ҳам гул билан безаб қўйган-мишсиз?

— Ўзим учинчи қаватда ту-раман. Иккинчи ва учинчи қават йўлакларини имкон даражаси-да безашга ҳаракат қилдим.

— Кўрсак бўладими?

— Марҳамат, бемалол.

Йўлакка кирдик. Очиги, мўъжазгина гулзорга кириб қолгандек бўлдим. Деворда, зинапояда... ҳамма жойда ранг-баранг гуллар. Азбаройи қизиққанымдан катта-кичик гултувакларни бирма-бир

санаб чиқдим. Улар «бор-йўғи» 112 та экан. Қойил, ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик улуг иш бўлибди!

Ҳар кун эрталаб гулзорга салом бериб, дарахлар, гул-лар билан гаплашиб чиқади-ган Аҳмадҷон ака билан узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат давоми-да кенжа ўғли Эдик ҳам ота изидан бориб, ўзи яшайдиган уй ёнига яшнатиб қўйганилиги маълум бўлди.

Саховатли инсон Аҳмадҷон Сайфуловнинг яна бир ишига қойил қолиш керак. У кишидан Бектемир туманидаги 575-мак-табгача таълим муассасаси жамоаси беҳад мамнун. Нега-ки, табиат ва гўзаллик шайдо-сининг болажонларга совғаси — чиройли ландшафт боғча ховлисига кўрк ва зеб бағиш-лаб турибди.

Аҳмадҷон ака билан хайр-лашарканман, кўнглимдан «шундайлар бор бўлсин, кўп бўлсин!» деган тилақ, «савоб-ли, ибратли ишларни қилиб, жимгина юрадиган жонқуяр-ларга эътиборли бўлиш ке-рак!», деган фикр ўтди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
журналист.



RUSSIA 2018

Кутилмаган на-тижалар, бири-би-ридан қизқарли ўйинлар, юксак даражадаги ижро маҳорати намойиш эти-лаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати-да бугун ва эртага ярим фи-нал учрашувлари ўтказила-ди.

БУГУН ВА
ЭРТАГА СОАТ
23:00 ДА...

Бугун Тошкент вақти билан соат 23:00 да Санкт-Петербур-да Франция ва Бельгия ўйини бошланади. Учрашувни уруғ-вайлик Анрес Кунья бошқара-ди. Бу жамоалар ярим финалга осонликча етиб келмади. Айниқ-са, Бельгия терма жамоаси бош совринга дэввогарлардан ҳисобланган Бразилияни мағлу-биятга учратгани чемпионатнинг кутилмаган натижаларидан бири бўлди. Франция терма жамоаси ҳам кучли таркибга эга. Демак, ўйин шиддатли ўтиши табиий.

Эртага эса Лужники стадио-нида иккинчи ярим финал ўйи-нида тартибли ва чиройли фут-бол намойиш қилаётган Хорва-тия терма жамоаси Англия тер-ма жамоасига қарши ўйнайди. Мақкур ўйин ҳам соат 23:00 да бошланади.

Иккала ярим финалда мағлуб бўлган жамоалар 14 июль кунги соат 19:00 да жаҳон чемпион-атининг бронза медали учун май-донга тушади. Ғолиб бўлган жа-моалар эса 15 июль кунги соат 20:00 да жаҳон чемпионатининг кубоги учун кураш олиб боради.

Шаҳбоз САИДОВ

ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ олий мактаби

Ҳар бир миллат ўз миллий мусикаси, қўшиқлари каби миллий рақси-га ҳам эга. Рақс санъати сўз билан айтилмайдиган қўшиқ. Рақсда қувонч-шодлиқни, алам-изтироб, армонни ҳам кўрасиз.

Ўзбек миллий рақси тарихида Тош-кент давлат миллий рақс ва хореогра-фия олий мактабининг ҳам ўз ўрни бор. Бу даргоҳда тахсил олган иқтидорли ёшлар орасидан кўплаб машҳур рақ-қос ва раққосалар етишиб чиққан.

Ўзбекистонда рақс санъати соҳаси-да муассасис кадрларни тайёрлаш мақ-садида 1933 йилда Тошкент шаҳрида биринчи балет мактаб-студияси таш-кил этилади. Ўз даврининг таниқли санъаткорлари уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Елена Обухова, Валентина Губсаялар ёшларга рақс санъатидан сабоқ бера бошлаган. 1947 йилда мактаб-студия Хореография билим юрти мақомига эга бўлди.

1997 йилда Тошкент давлат мада-ният институтининг хореография бўли-ми ва Тошкент хореография билим юрти негизида Тошкент давлат мил-лий рақс ва хореография олий макта-би ташкил этилди.

Бугунги кунда Тошкент давлат мил-лий рақс ва хореография олий макта-би таркибиде узлуксиз таълимни таъ-минловчи уч бўғиндан иборат ихтисос-лашган мактаб-интернат, хореография коллежи ҳамда бакалавр ва магистр да-ражасидаги мутахассисларни тайёрлов-чи олий мактаб фаолият кўрсатмоқда. Ихтисослашган мактаб-интернат ва хо-реография коллежида ўқувчилар мил-лий ва муомтоз рақс йўналишлари бўйи-ча таълим олиб, «Балет артисти» ва «Миллий рақс ансамбли артисти» кас-

бий малакага эга бўладилар. Шунинг-дек, Олий мактабнинг юқори босқичи-да хореография ва санъатшунослик таълими йўналишларида мутахассислар тайёрланмоқда.

— Миллий рақс санъатининг ривож-ланишига ўз хиссасини қўшаётган пе-дагогик жамоамиз катта масъулият би-лан меҳнат қилмоқда, — дейди Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори Шухрат Тохтасимов. — Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили 3 августда мамлакатимиз иқдор қизиллари би-лан бўлиб ўтган учрашувда Тошкент дав-лат миллий рақс ва хореография олий мактабига «Ипотека банк»и ҳомилий қилиши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтган эди. Ана шу ташаббус туфайли иқтидорли ёшларимизнинг халқаро кўрик-танловларда қатнашиш имкония-ти яратилди.

Иқтидорли талабаларимиз ҳар йили жаҳон миқёсида бўлиб ўтади-ган турли конференциялар, танлов-лар, байрам тантаналарда қатнашиб, ўзбек халқининг маънавий мероси ҳисобланган миллий рақсларини бу-тун дунёга тараннум этиб келишяпти.

Ҳозир мактабда ўқувчи ёшларнинг ҳар томонлама яхши билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратил-ган. Яна бир янгилик, Президенти-миз ташаббуси билан олий мактаб-нинг бакалавр ва магистр талабала-ри учун алоҳида бино — Алишер

Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университе-тининг олти қаватли ўқув биноси ва унга тегишли бўлган худуд бизга бе-рилди. Ҳозир бу бинода таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Кейинги пайтда ўзбек миллий рақс аъналарини бузиб, унга баъзи бир ўзига хос бўлмаган ҳаракатларни су-ньий равишда сингдиришга уринишлар кўзга ташланапти. Мен бунга тамо-мила қаршиман. Чунки асрлар бўйи сайқалланиб келаётган бу миллий қад-риятларимизни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Рақс шун-дай санъатки, худди спортда бўлгани-дек, эрта-ю кеч залдан чиқмай, маш қилган инсонгина кўзлаган мақсади-га эришади, томошабинлар олқишига са-зовор бўлади. Ўз устида ишлаб, ус-тозлар таълим-тарбиясини олиб, сид-қидилдан интилан киши албатта рақс санъатининг чўққисига чиқади.

Биз таълим жараёнини янада куч-чайтириш, талабаларимизнинг билим-ларини ошириш мақсадида хориж мам-лакатларидан катта балет артистлари, рақс санъатининг малакали мутахас-сисларини таклиф этмоқдамиз. Бу тах-риба катта самара бермоқда. Четдан келиб, ўзбек рақсини ўрганаётганлар ҳам бор. Ёшларимиз эртага маҳорат-ли рақс усталари бўлиб етишиши учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиб бериляпти, биз ҳам шунга яраша жавоб қайтаришимиз керак.

Мафтуна МИРЗАХУЖАЕВА,
Тошкент давлат миллий рақс
ва хореография олий мактаби
талабаси.



O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

Borxononasi chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738. 6971 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:15.

Topshirilgan vaqti — 23:35

Sotuvda kelishilgan narxda

www.qqb.uz

Xizmatlar litsenziyalangan.

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш
учун QR-кодни телефонингиз орқали
сканер қилинг.

1 2 3 5 6